

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 77 (6819)
1997 йил 4 октябрь шанба

Сотувда эркин
нархда

СИНФОШИ БЎЛДИМ

Бу йил учинчи синфда уқияпман. Уқишларим яхши. 1—2-синфларда ҳам аълочи булганман. Янги йил, Навруз каби байрамларга тайёргарлик курганимизда уқитувчимиз Машкура опа мени бошловчи қилиб тайинлардилар. Синф мажлисларида ҳам тез-тез қатнашиб турардим. Болаларнинг тоза юришларини, ким қачон навбатчи булишларини, умуман синфни кузатишни уқитувчимиз менга ишониб топширардилар. Бир куни уқитувчимиз дарсга келмай қолганларида биринчи соат (уқиш дарси эди) болаларни ташқарига чиқармай, туполон қилдирмай олиб утирганман.

Кеча синфимизда уқув йили бошланганидан бери биринчи марта синф мажлиси бўлди. Мажлисда уқитувчимиз: «мана болалар, уқув йилининг биринчи ойини якунляяпмиз. Таътидан сунг мактаб маромига тушиб олдинглар. Ёшинлар ҳам бир ёшга ошди. Энди мустақил булишга секин ургансаларинг ҳам булади. Шу сабаб ораларингдан сизлар билан аҳил, тил топадиган болани синфбошиликка сайласак. Менга ҳам ёрдамчи керак-ку», — дедилар. Ҳамма бир-бирига қараб жим қолди. Шунда Иззат деган бола урнидан туриб «Мохиран сайлаб қуя қолайлик, яхши уқийди. Ҳамма ишларга қарашади. Тоза мактаб кийимида юради», — деб қолди. Бошқа болалар ҳам бунга рози булишди. Ҳамма менга қаради. Устозим «Мохира, розимисан, эплай оласанми? Болаларни уялтириб қуймайсанми?», — деб мenden сурадилар. Ҳамманинг олдида: «Йук, яхши ишлашга ҳаракат қиламан», — деб сўз бердим. Шундай қилиб 3-«А» синфбошилигига сайландим. Энди ҳар куни ҳаммадан вақтли мактабга бориб, синфни очиб болаларни кутиб оладиган бўлдим. Навбатчилар руйхатини туздик (уқитувчимиз билан бирга албатта). 1 октябрь Уқитувчилар куни байрами муносабати билан утказиладиган кечага тайёргарлик курдик. Шундай қилиб десангиз дарслардан ташқари ишларим анча купайиб қолди. Бундан албатта хурсандман.

Мохира ОРИФХЎЖАЕВА,
Тошкентдаги 268-мактаб ўқувчиси



ОБУНА — УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Биз оилада 4 уғилмиз. Оиламизда қиз бола булмагани учун рўзгор юмушларини бажаришда онамизга кумаклашамиз. Бу сени ишинг, бу мени ишим деган гап бизда йук.

Дадам, эса «ишинг катта-кичиги булмади, эр кишига 40 хунар ҳам оз», дейдилар.

Мен спортга, укам Шаҳобиддин бизнесменликка, Бехзод укам чорвачиликка қизиқади. Энг кичик укам Шохрух эса «катта булсам министр буламан» дейди. Шаҳобиддин укам билан биргаликда теннис тугарагига қатнашамиз. Укамни-ку билмадим, лекин теннис менинг жонудим. Пойтахтимизда булиб утган «Президент кубоги» теннис мусобақаларини телевизор орқали зўр қизиқиш билан томоша қилдим. Хатто бир куни дадам бизни Юнусобод теннис кортига олиб бордилар. Кортига кириб борар эканмиз, бир нечта мамлакатлардан ташриф буюрган теннис усталарини-ю теннис ишқибозларини куриб, бизнинг мамлакатда шундай мусобақалар утаётганидан ҳам қувониб, ҳам гурурланиб, кетдим.

Ҳар йили мен «Тонг юлдузи» газетасига обуна буламан. Бу йил ҳам обуна булиш учун дадамдан пул олдим. Истардимки, сеvimли газетам саҳифаларида теннис спорти ҳақида, унинг келиб чиқиш тарихи ҳақида маълумотлар уқисам.

Шарофиддин
Тўлаганов,
Тошкент вилояти
Тошкент тумани
16-мактаб ўқувчиси

ДАРАХТЛАРНИНГ ҲАМ ЖОНИ БОР

Дарахтларда ҳам жон бор, Тана — орқа мия, бутуқлари — 72 минг асаб торлари, етти хил ранги — баданнинг етти асосий марказлари, барглари — упкасидир. Баргларга капалак курти тушиди, дейлик.

Дарахтлар хавфни олдиндан сезгандек, бир-бирларига хабар юбориб, уз кимевий «заҳар»ларини ишлаб чиқараркан. Тажрибалар курсатишича, тана ва бутуқлар «sos» хабарини юборишаркан. Балки ахборот узатишда биомайдон иштирок этар? «Табиатнинг бу муъжизаси хусусида фанда баҳс кетяпти. Олимларнинг фикрича, дарахтлар ва усимликларда асаб тизими мавжуд. Улар ҳам инсон-

лардек ҳамма нарсани тушунишаркан ва дунёни сезаркан.

DARAXTLARNING HAM JONI BOR

Daraxtlarda ham jon bor. Tana orqa miya, butoqlar — 72 ming asab torlari, yetti xil rang — badanning yetti asosiy markazlari, barglari — o'pkasidir. Barglarga Kapalak qurti tushdi, deylik. Daraxtlar xavini oldindan sezgandek, bir — birlariga xabar yuborib o'z Kimyoviy «zahar» — larini ishab chiqorarkan. Tajri-

Tabdil



balar Ko'rsatishicha, tana va bufoqlar SOS xabarini yuborisharkan. Balki axborot uzatishda biomaydon ishasi xususida fanda bans ketyapti. Olimlarning fikricha, daraxtlar va o'simliklarda asad tizimi mavjud. Vlar nam insonladek hamma narsani tusnuhisnarkan va dunyoni sezarkan.

Ibtatli suhbatlar
Luqmoni Hakimdan so'radilar:

— Eng dono kim?

— Hauot qiyinchiliklaridan

g'amgin bo'lmfydigan odam8

— Eng yaxsni boylik nima?

— Aql.

— Qaysi o't o'z yoquvcnisini kuydiradi?

— Hasad o'tu.

— Qaysi bino vayron bo'lmaydi?

— Adolat binosi8

— Qaysi achahiq narsanang oxiri shirin?

— Sabrning.

— Nimaning oxiri achchiq?

— Snoshgaloglikning.

M.MUROBOVA tayyorladi.

ЭР ЙИГИТНИНГ ҚАДРИ

Рустам акангиз ҳам кечагина сиз каби мактаб уқувчиси эди. Дарс тайёрлаши, онасига ёрдам бериши, дуст-танишлар орттириши ҳам сизники каби. Спорт билан қизиқиши, турли тугараклар, хусусан шахмат машгулотларига қатнаши ҳам.

Очиғи, тугаракка ҳамма қатнайди. Баъзан боксга борса, баъзан сузишга. Шахмат донларини суриб, шашка, доминога ҳам бефарқ бўлмайди, аммо... Ҳамма гап мана шу аммода! Рустам акангиз рақибини ютса қувониб, ютқизса яна қувониб... шахмат йулига тушиди. Одам ютқазса ҳам қувонар эканми, — деяётгандирсиз? Ҳа-да! Ахир ундан зукко, ундан эпчил рақиб топилиб қолди-ю, нега қувонмасин? Уни ютишга

интилади, услуби, хийла-юнайрангини узича кашф этади ва яна олғалайди!

Эндиликда изланувчан йигит-қизлар мустақил дийримизда тезда назарга тушмоқда. Юртбошимиз «Йилт» этган истеъдод соҳибини асраб-авайлаш мақсадида турли жамғармалар тузиб бердилар. Эл-юрт доврuginи таратганларни эса шах-



Кишинёвда ФИДЕнинг 68-конгресси бўлди. Унда шохмот бўйича жаҳон чемпионатига тайёргарлик билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Чемпионат шу йил декабрь ойида ўтади. Конгрессда йирик халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришиб, зарур нормативларни бажарган шохмотчиларга халқаро гроссмейстер унвонлари берилди. Улар орасида ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ҳам бор.

сан рағбатлантирмоқдалар. Ун беш ёшли Рустамжон 1994 йилдаёқ Президент совғаси — компьютер билан тақдирланиши ҳам бундан нишона эди. Яқинда Рустам акангиз юртбошимиз ҳада этган мукаммал компьютердан севиниб кетди. Ҳадяни бош вазир уринбосари А. Азизхужаев топширди. Бу ҳаммаси эмас. Дастлаб мамлакатимиз раҳбарининг фармони

Фахр

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов уқиб эшиттирди. Сунг «Олимпия шон-шуҳрати» музейида унинг куксига Ислон Каримов фармони билан «Ўзбекистон белгиси» кукрак нишони ҳам тақиб қуйилди.

Ун саккиз ёшида шахмат бўйича халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритган, купгина жаҳон ва қитъа биринчиликларида совриндор бўлган Рустам Қосимжонов «Худо хоҳласа «Ўзбекистон белгиси» билан дунёни кезаман ва дунёга ўзбекларни танитаман», деди. Биз ҳам «ниятингизга етинг, издошларингиз — бугунги мактаб орасидан ҳам сиз кабилар етишиб чиқиб, ватанимиз шаъни Ўзбекистон номи учун курашадивасизкабиютққа эришади» деймиз!

Абдуҳамид
АБДУГАФФОРОВ

МАКТАБИМИЗ — МАҚТОВИМИЗ, ЛЕКИН...

Катталар, эътибор беринг!

Хурматли «Тонг юлдузи». Сенинг № 73 сон иккинчи саҳифангдаги мактабимизнинг ҳали тугалланмаган янги биносини куриб жуда хафа бўлиб кетдим. Сенинг уткир нигоҳинг тушган ушбу манзарага қани энди мактаб қурилишига мутасадди бўлган ака-опаларимизнинг ҳам кузи

тушганда эди, бизлар ҳам кенг ва ёруғ синф хоналарида, барча шарт-шароитлар муҳайё бўлган мактаб биносида таълим олаётган булармидик. «Туя гушти еб» бир неча йилдан бери улда-жолда бўлиб ётган мактаб биноси ёнидаги йулдан юқори синф уқувчилари майлия, ҳар куни уйдан озода кийиниб чиққан бош-


лангич синф уқувчилари то мактабга етиб келгунча ёзда чангга, қишда лойга ботиб, эгниларини ифлос қилиб келишарди. Бу йил шу сабабли қушни «Тутзор», «Карьер» маҳалласидаги купгина болалар бошқа мактабга утиб уқиш-япти. Авваллари 30—32 тадан бола уқийдиган синфларда 16-18 тадан уқувчилар қолди,

холос. Ота-оналаримиз ҳам ҳайрон: бизнинг мактабга болаларни юборай деса аҳвол бу, шаҳар мактабига берса уртада Тошкент халқа йули, транспорт қатновидан болалари уқиш тугаб эсон омон етиб келишини юз минг хавотир билан кутиб утиришарди.

Биз уқувчиларга қолса, узимизнинг мактабдан сира кетгимиз келмайди. Чунки мактабимизда меҳрибон мураббиялари жуда кўп. Улар дарсларни шундай маҳорат билан утишадик, уз-узидан уқигинг, янада кўпроқ илм олгинг келаверади. Уқувчиларни мактабга, дарсга қизиқтириш мақсадида уқув йили давомида ҳар хил мавзудаги очик дарслар, одоб ва ахлоқ ҳақида мунозарали кечалар, меҳнат ва уруш ветеранлари билан учрашувлар ташкил қилиб турилади. Мактаб биноси эски бўлишига қарамай, таътил давомида синф раҳбарларимиз бошчилигида синф хонала-

римизни таъмирладик, янги плакатлар, уз қулимиз билан меҳнат дарсида тайёрлаган макетлар билан безадик. Меҳнат уқитувчимиз Зокир ака Жураев бошчилигида мактаб ховлисида боғ ташкил қилиб, у ерга ҳар хил мевали дарахтлардан ташқари 2000 туп терак ниҳоллари ҳам экиб парвариш қилмоқдамиз. Мактабимиз директори Нигматилла ака Қорабоев уқитувчиларимизнинг малакаларини ошириш мақсадида тинмай изланишда. Туманлараро буладиган уқитувчиларнинг турли семинарлари купинча бизнинг мактабда бўлиб ўтади. Янги уқув йилида малакали уқитувчиларимиз сафи 3 та юқори малакали уқитувчига купайди. Бу йил директоримизнинг бир қанча уринишлари билан мактабга қушни маҳалла болалари қатнайдиган йул текисланиб, шағал ётқизилди. Бундан ота-оналаримиз ҳам, биз ҳам жуда қувондик.

Гулноза МАҚСУДОВА,
Тошкент вилояти
Тошкент тумани 25-
мактаб ўқувчиси



Азиз болажон! Баъзи уртокларнинг билиб- билмай уз отоналарини, маҳалла-қуйни, қолаверса, тенгдошларингни касби туфайли назорат қилувчи ходимларни кўпинча бемаврид ташвишга қўйишади. Баъзи тенгдошларинг турли-туман жиноятларга қўл урмоқдаки, улардан сени огоҳ қилиш мақсадида Зангиота туманида бўлди.

томонга тортмасдан ҳамма бир еқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак. Агар ота-она, ўқитувчи, милиционер, маҳалла-қуй битта мақсад билан доим алоқада ишласа, уйлайманки, бола турли йўлга чалғимади. Ҳар доим янги ўқув йилида чопачопа, югур-югур билан туғарақларимизга ўқувчиларни зўра жалб қиламиз. Ваҳоланки,

Ўғит

ман деб, ойнамни чил-чил қилди», деб ҳам езиб келадилар. Аслида бу ҳам жиноят. Чора курмасликка ҳаққимиз йўқ. Энди берган саволингизга келсак. Бола оилада кимдандир чучигани маъқул. Ахир халқимизда: «Чунтакка бевақт тушган пулдан қулоқнинг тагига уз вақти-

ЧўНТАККА БЕВАҚТ ТУШГАН ПУЛДАН...

— Ҳозирги ёшларимиз сал суҳроқ чикди, — деб гап бошлади туман Ички ишлар бўлими ходими, милиция майори Маҳмуд Зарипов.

— Шух бола одатда эрта қуйилади, — деди халқ таълими бўлими мудирини Тулқин Эшонхужаев.

— Шундайку-я, лекин барибир қойил қолмайман. Ахир биз ҳам бола булганмиз. Вақтида уйнардик, вақтида китоб ўқирдик. Аммо бирор марта булсин бировнинг ойнасига тош отмаганмиз. Ўқитувчилари қаёққа қарайди билмаймиз...

— Ҳа, ҳа барибир милиционерсизда, уз қаричингизда улчайсиз, — илиб кетди Тулқин ака. — Ҳамма гап ҳам мана шу барчамиз уз қаричимизда улчашимиздир. Мисоли қисқичбақа, чуртанбалиқ ва оққуш каби аравани ҳар томонга тартаман. Бола, бола-да, у нимани ҳам билсин. Кучага чиқали, унис у дейди, уйига кирази, ота-онаси бу дейди. Мактабга келса, яна бошқа гап. Бозорга бориб беш-тўрт сўм топиб келгудек булса, ундан яхши бола йўқ. Бироқ бирор аҳмоқликни қилиб қўйгудек булса ҳамма бало ўқитувчининг бошида сиқилиди...

— Шунга қуюнаман-да, — деди ёшлари улўроқ Насриддин Саъдуллаев. У киши туман ёш ижодкорлар марказида ёшларга дурадгорлик хунарини ўргатар эканлар.

Ҳақиқатан ҳам аравани ҳар

ёшларнинг буш вақти қўп.

— Тўғри, Насриддин ака, — ҳақиқатан ёшларимизнинг буш вақтлари қўп. Шундайлари ҳам борки, мактаб қолиб бозорга чопишади. Инкор қилмайман. Қизиқувчан, тиришқоқ, иқтидорли болаларимиз қўп. Станокнинг қулоғини тутувчи, уста дурадгорлар булиб етишгучи болаларимизга ҳозирдан тўғри йўлни курсатиш даркор. Ахир вақтинча қийинчилик деб, болани қаровчисиз қолдириш келажакка болта уриш эмасми? Фарзанднинг вазифаси пул топиш эмас, балки яхши ўқиш, яхши тарбия топиш-ку!

— Унда айтинглар-чи, — дедим мен яна. — Фарзандингизнинг тўғри тарбия топиши, яхши билим олиши учун сиз биринчи навбатда нима қилган булардингиз?

— Менга қолса, — дея гап бошлади Тулқин ака Эшонхужаев — фарзандимнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатини чегаралар эдим. Телевизор қуришдан тортиб, турлича уйинлар билан банд бўлишигача назорат қилардим. Ёмон жиҳатларимни боламга сира-сира курсатмас эдим. Демокчиманки, қуш уясида курганини қилади.

— Жуда тўғри гапирдингиз. Уз ишимда қўраётганларим гапингизга исбот. Бизнинг назоратимизда булган жуда қўп усмирларнинг ота-оналари ўзи бетарбия одамлар. Баъзи бир одамлар фалончининг боласи рогатка билан қўшга тош ота-

да тушган шапалоқ афзал», — деган мақол бор.

— Ҳақ гап, ҳақ гап, — тасдиқлашди бошқалар ҳам.

Шундан сўнг мен бу амақларингизга раҳматлар айтиб, фойдали маслаҳатларини албатта «Тонг юлдузи»нинг ўқувчиларига откашишни ваъда қилиб Зангиота туманидан қайтдим.

Биласанми, болажон, менинг бир дониш бобом бор: «Ўғлим, иккита ҳамёнинг бўлсин, бириси тешик, иккинчиси бутун. Биров сени тўхтатиб гапирса, фойдалисини бутунига, нокерагини тешик ҳамёнингга сол, зеро нокерак гапларни ташлаб юбормасанг ҳам, у, йўл-йўлакай ўзи тушиб қолади. Фойдалиси эса, ҳаётингда асқотиб қолса ажаб эмас» дегувчи эди. Демокчиманки, сен ҳам ушбу суҳбат билан танишиб ўзинга кераклигини териб ол ва, бутун ҳамёнингга солиб қўя қол. Улар ҳаётингда асқотади.

Саййид ОЛИМ



МЕН ҒОЛИБМИ, СЕН ҒОЛИБ?

ЗАКОТ

Кунлардан бир кун Юлдуз бувиси билан трамвайда келишадиган эди, бувиси узига ухшаган кекса бир аёл билан қуришиб суҳбатлашиб қолди. Юлдуз трамвай ойнасидан кўчани томоша қилиб бораркан, уша аёлнинг «Отам раҳматли бир умр закот бериб келардилар, эсингиздами?» деганини эшитиб қолди ва трамвайдан тушишгач, бувисидан у аёлнинг кимлигини суради.

— Дугонам, — деди бувиси жилмайиб. — Сендек жамалакоч пайтларимда бирга уйнаб юрардик.

— Закот берардилар, деганлари-чи? — яна суради Юлдуз.

— «Закот» арабчасига «тозалик» дегани, она қизим! — тушунтирди бувиси. — Закот мусулмонликнинг фарзларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир киши ишлаб топган пули,

даромадининг қирқдан бир улўшини мачитларга беради. Ундан булса фақат тирикчилиги қийин утадиган кишилар, етим-есир болаларни таъминлашади, уларга ёрдам курсатишда

Иқтисодиёт алифбоси

Болалар «Бу-уй, қаердан олдинг бунин?» деб сурашганди, Ҳошимжон керилиб: «Далам Англиядан олиб келдилар», деди. Бунин эшитиб турган муаллималари эса «Ҳа, импорт экан-да!» деб қўйди.

Шундан кейин болалар ундан «импорт» деганингиз нима ўзи? деб сурашганди, муаллималари уларга тушунтирди.

Маълум бўлишича, «импорт» дегани лотинча «импорт» суздан олинган бўлиб, «киритаман» деган маънони англатар экан. Яъни бозорда сотиш учун бирон мамлакатдан келтирилган товарлар, маҳсулотлар, техник ускуналар ва хизмат курсатиш ҳам импорт дейиларкан...

Эркин УСМОНОВ

«А» дан «Я» гача

фойдаланишади...

Ана болалар, шундай қилиб Юлдузхон баҳонасида сизлар ҳам «Закот» нима эканлигини билиб олдинглар, тўғрими?!

ИМПОРТ

Қайси кун Ҳошимжон мактабга янги портфель кўтариб келди. Уни қуриб ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Жуда зўр экан. Ҳатто учирғич, қалам, ручка соладиган махсус чунтаклари, ҳатто қоққоғининг ички қисмига урнатилган жажжигина электрон ҳисоблаш машинкаси ҳам бор.



Сим-сим, сирингни оч...

Насихат

БЎРИ-БЎРИЛИГИНИ ҚИЛДИ

Болалар ҳайвонот боғига ҳайвонларни томоша қилишга, дам олишга келишади. Лекин уларнинг узбошимчалиги, гоҳида қизиқувчанлиги оқибатида баъзи бир кунгисиз воқеалар ҳам учраб туради. Тбилислик 2 ёшли болакай қўшлар, туя, айиқларни томоша қилиб бўрилар сақланаётган қафас олдида бир мунча тухтаб қолади. Қизга ҳайвонлар мультфильмларда учрайдиган мулозим бўлади деб уйлаган шекилли, бурга қўлида еб турган музқаймоғини узата туриб ўзининг жажжи гавдаси

қафас ичига кириб қолганини сезмай қолди. Бури музқаймоққни эмас, қизчанинг қўли аралаш елкасига ўзининг уткир тишларини ботирди. Бола овоз чиқаришга ҳам улўрмай хушидан кетди. Қон ҳидига қафасдаги бошқа йиртқичлар ҳам безовталана бошлаганидагина унга катталар эътибор беришади ва болани қафасдан тортиб олишади. Бир неча дақиқа ичида юз берган фалокат атрофдагиларни сертаклангирди. Сиз ҳам сертак булинг, болажонлар!

Маҳмуда ХАЙДАРОВА тайёрлади

Обид Расул — 75 ёшда

Боладаримизнинг кекса шоири Обид Расул 75 ёшга кирди. «Кувноқ болалар», «Олмазор», «Кук чакмонли йигитча», «Асал амаки», «Чашма», «Садаф», «Тишли пахлавон», «Аҳиллик», «Хайрихон ва Майлихон» каби бир қанча шеърӣй тўпламлар болаларнинг сеvimли китобларига айланган. Болалар Обид Расулни «Асал амаки» деб ҳам аташади. Бунинг сабаби шоир шеърларида сузларнинг ута уйноқчилиги ва фусункорлигида, чунки шеър уқийганида сузларнинг майин тебранишини сезмасанг — бу шеърӣят



дан узоқ нараса.

Бугун 75 ёшини нишонлаётган адиб — жумҳуриятда хизмат курсатган Халқ таълими ходими, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, болалар шоири Обид Расулни биз ҳам кўп сонли муштарийларимиз номидан табриклаймиз ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

КЕЛИНГ БИЗНИНГ

ПОЛИЗГА

Келинг, бизнинг полизга,
Эй, уртоқжон, уртоқжон.
Атадим тортиқ Сизга,
Тарвуз, қовун, думбул нон.
Ош қилишга сабзи бор,
Памидор-макаронга
Шурвага қарам тайёр,
Кук пиёз — сомсахонга.
Бодрингу ҳандалак
Навбат кутар муралаб.
Ярим газ яшил таррак
Узиб олишга талаб...
Кўйинг-чи, не десангиз
Усар бизнинг полизда.
Элда тинчлик, келинг сиз,
Биз эмасмиз олисда.

ТАРВУЗ

Тарвузим бир қучоқ,
Чопони ола пучоқ.

Бирига урсак пичоқ,
Паққа ёрилди шу чок.
Қизил гушпу юпқа эт,
Каржи асал, тотиб кет.

ТУРП

Бир тахта эксам турп,
Чикди ердан югуриб.
Қуш қулоқ, шалпанқулоқ.
Меваси дум-думалоқ.
Есам карс-карс, худди нок
Таъми ёқар одамга
Ош олдидан бир товоқ
Қириб бердим дадамга.



«ОЙНАИ ЖАҲОН» — БОЛАЛАРГА

Азиз уқувчилар! Сиз 29 сентябрдан 5 октябргача булган ҳафта ичида қуйидаги курсатувларни кўришингиз мумкин:

Биринчи дастур буйича 20.10 дақиқа утганда (якшанбадан ташқари) ҳар куни «Оқшом эртақлари»ни кўрасиз.

Душанба 29 сентябрь

18.10 «Олтин миҳ» мультфильми.

18.20 «Умид учқунлари» курсатувида Президент совғаларига сазовор булган иқтидорли усмирлар ҳақида лавҳалар томоша қиласиз.

Иккинчи дастур

18.20 «Ёрилтош» мульттўплам.

Туртинчи дастур

18.45 «Мультикарусель»

Сешанба 30 сентябрь

Биринчи дастур.

10.30 Инглиз тили.

11.00 «ҚУШИГИМ-жон қушигим».

Курсатуви болалар бастакори, Ўзбекистон халқ артисти Шермағ Ерматов олиб боради.

Иккинчи дастур:

18.20 «Ёрилтош» мульттўплам».

19.55 «Табиат дунёси».

Туртинчи дастур:

21.20 «Жонли тил».

Чоршанба, 1 октябрь

Уқитувчилар ва мураббийлар куни.

10.40 «Чамандаги гулларимиз».

Курсатувида санъат кўриги голлилари иштирок этади.

11.00 «Ғаройиб бола» бадийй фильми.

14.40 «Той бола». Ўзбекфильм намойиш этади.

19.45 «Филга мактуб», мультфильм.

18.00 «Беодоб бола», «Сергайрат кампир» мультфильми.

21.20 «ҚУТЛОВ» Уқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган курсатув.

Иккинчи дастур:

18.20 «Ёрилтош» мульттўплами.

19.55 «Табиат дунёси».

Туртинчи дастур:

18.45 Мультикарусель.

Пайшанба, 2 октябрь

9.45 «Фаррух ва Зумрад» мультфильми.

10.05 «Қизиқарли учрашув-

лар».

10.30 «Ўзбекистон тарихи».

11.40 «Алифбо сабоқлари».

13.10 «Қутлов» Уқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган курсатув. Такрорий.

Иккинчи дастур:

9.00 «Мультипанорама».

9.25 «Синфдош».

18.15 «Эркатой» болалар учун дастур.

Туртинчи дастур:

18.20 «Боланинг тили».

Туртинчи дастур:

18.45 «Мультикарусель».

Якшанба, 5 октябрь

Биринчи дастур:

8.25 «Камалак» болалар учун кино дастур.

12.00 «Цирк, Цирк, Цирк!»

Курсатувида жаҳон цирк санъати дастури билан танишасиз.

14.25 «Болалигим-Пошполигим»

Курсатувида кичкинтой

«ОҚШОМ ЭРТАҚЛАРИ» ШОМДАЁҚ ТУГАЙДИ

Ойнаи жаҳон орқали бериладиган «Оқшом эртақлари» вақтини жуда яхши биламиз. Иложи борича барча ишларимизни тезроқ бажариб, экран олдида урнашиб олиш кўнлик одатимиз. Курсатувнинг 10 дақиқалиқ вақтини ҳам чеклаб қўйишади. Бир бора курсатилган мультфильмлар қайта-қайта намойиш этилавериш, ҳатто ёд булиб кетган. Наҳотки, кун буйи кутиб ҳаяжон билан орзиқиб утирсагу, баъзан мультфильмни чала курсак?

«Қундуз бобонинг қиссалари» мультфильмига овоз берган Ёдгора Зиямуҳаммедова, Мадина Мухторова, Эркин Комиловлар билан рузнома саҳифаларида суҳбатлар уюштириб, уларнинг ҳам шу эртақ ҳақидаги фикр — мулоҳазалари билан таништириб борсангиз.

Элёр ЙИГИТАЛИЕВ,
Фарғона вилояти Учкўприк тумани
9- мактаб ўқувчиси

18.45 «Мультикарусель».

Жума, 3 октябрь

Биринчи дастур:

11.00 Немис тили.

11.30 География.

18.10 Ёш теннисчилар.

Биринчи Республика болалар уртасида утказилган теннис мусобақалари намойиш этилади.

Иккинчи дастур:

9.00 «Эркатой» Болалар учун дастур.

18.20 «Бор эканда йуқ экан».

Туртинчи дастур:

18.45 «Мультикарусель».

19.30 «Умид чечаклари».

Шанба, 4 октябрь

Биринчи дастур:

12.50 «Маҳаллаимиз болалари»

телемусобақа.

Иккинчи дастур:

9.00 «Бор эканда йуқ экан».

санъат гунчалари билан танишасиз.

18.00 «Болалар учун «Омад юлдузи».

Курсатувида оилавий телемусобақа намойиш этилади.

Иккинчи дастур:

9.00 «Боланинг тили».

18.20 Мультипанорама.

Туртинчи дастур:

9.55 Эртақларнинг сеҳрли олами.

16.16 Мультэкран.

16.35 «Сенинг вақтинг».

16.55 «Инглиз тили».

18.45 «Мультикарусель».

Ўзбекистон

телевидениеси

«Болалар» муҳарририяти

раҳбари

Тоҳир МУЛЛАБОВ

тайёрлади

БҲШ ҲТИРМА

Азиз уқувчилар! Қуйида, таърифлари баён этилган сузларни топиб шаклдаги рақамли хонадон марказ томон ёзиш билан машқни ҳал этинг.


1. Ёруғлик ва иссиқлик манбаи, коинот жисми. 2. Шоҳмат уйинида бирор донга билан шоҳга ҳужум қилиш ҳақида огоҳлантириш.

3. Таниқли эстрада дастаси. 4. Усимлик гулдандан олинадиган хушбуй суюқлик. 5. Энг кичик жуфт рақам. 6. Япония мамлақати пул бирлиги. 7. Хул мева. 8. Айри шоҳли, кийикларнинг бир тури булган камёб жонивор. 9. Радиоак-

тив элемент. 10. Санъат тури. 11. Дунё қитъаларидан бири. 12. Молдаларнинг тузилиши ва таркибини урганувчи фан. 13. Қозоқ халқ мумтоз шоири. 14. Ер кўрасининг энг жанубий ёки энг шимолий қисми. 15. Пойтахти Гавана шаҳри булган мамлакат. 16. Баҳайбат, йиртқич ҳайвон. 17. Шамс йил ҳисобидаги ойлардан бири.

Энди жавобларни туғри ёзган булсангиз шаклланиларидидаги ҳарфларни соат миля йўналишида уқинг. Ундан Луқмони Ҳакимнинг азиз фарзандига қилган юз пандидан бири аён булади.

Ф. ОРИПОВ тузган



Жавобларингизни текширинг!

30 августда эълон қилинган

ҚИЗИҚАРЛИ САВОЛЛАР ЖАВОБИ

1. 447, 4 минг кв. км.

2. Марказий Осиёнинг урта ва шимолий қисмида.

3. Қирғизистон. Қозоғистон. Тожикистон. Туркменистон. Афғонистон.

4. Энг шимолий нуқтаси — шимолий шарқда. Устюрт платосида Орёл денгизининг ғарбий соҳилида. Энг жанубий нуқтаси — Термиз шаҳри яқинида. Энг шарқий нуқтаси — Фарғона водийсининг жанубий шарқда. Қирғизистон Республикаси билан чегарадош жойда. Энг ғарбий нуқтаси — Устюрт платосида.

5. Шимолий ва жанубий чекка нуқталари орасидаги масофа — 925 км. Ғарбий ва шарқий нуқталари ораси — 140 км.

6. Амударё. Сирдарё.

7. Турон.

8. Тянь-шань, Олой, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тоғлари.

9. Фарғона, Зарафшон, Китоб — Шаҳрисабз, Сурхон — Шеробод, Чирчиқ — Охангарон.

10. «Чоч», «Шонкент», «Мадинот — аш шош», «Бинкат» ва «Таркан».

Ташкент.

11. Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят.

12. Навоий вилояти. Андижон вилояти.

13. Фарғона вилояти.

14. Китоб шаҳрида.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҲМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙҲЛДОШЕВА, Шермағ ЕРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҲИЗБОВЕВ, Дадажон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида ёрқиди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1-босма-табоқ
Буларча — Г-0592.
10960 нусхали босилди.
Қозоғ биними — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топшириш — 18.30
Навбатчи муҳаррир Х.Рустамова

Руйхатдан утин тартиби
№ 000137
Майлиимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Напир курсатқини: № 64563
• Телефон:
1-33-44-25